

## СУРХОНДАРЁДА ТЕАТР САНЬАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РАВНАКИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7542745>



ELSEVIER



Received: 16-01-2023

Accepted: 17-01-2023

Published: 22-01-2023

Нозима Хайруллайевна Насридинова

Мустакил тадқикотчи

Термиз давлат университети

Э-майл: nozimahonnasriddinova@gmail.com

Тел: +998 91 574 4841



**Abstract:** Ушбу маколада Сурхондарёда театр санъатининг шаклланиши ва тараққиётининг баъзи бир хусусиятлари ишончли манбалар асосида таҳлил этилган.

**Keywords:** Театр, санъат, труппа, драма, комедия, актёр, профессия, сцена, декорация, томоша.

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Received: 16-01-2023

Accepted: 17-01-2023

Published: 22-01-2023

**Abstract:** В данной статье на основе достоверных источников анализируются некоторые особенности становления и развития театрального искусства в Сурхандарье..

**Keywords:** Театр, искусство, труппа, драма, комедия, актер, профессия, сцена, декорация, спектакль.

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Received: 16-01-2023

Accepted: 17-01-2023

Published: 22-01-2023

**Abstract:** In this article, some features of the formation and development of theater art in Surkhandarya are analyzed based on reliable sources..

**Keywords:** Theater, art, troupe, drama, comedy, actor, profession, stage, decoration, spectacle..

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

## КИРИШ

“Театр бу ибратхонадир” деб ёзган эди улуғ жадид намоёндаси М.Беҳбудий [1]. Ҳақиқатдан ҳам театр санъати инсонларга руҳий тетиклик, маънавий гўзаллик, ақлий теранлик улашиб, фикрлашга, мушоҳада қилишга дунёни англашга ундайди. Шу боисдан ҳам жадид маърифатпарварлари театр санъатига алоҳида эътибор берганлиги бежиз эмас. “Театр бизнинг давримиздаги қўплаб етишмовчиликлар, муаммо-мунозараларни очиб ташлайдирғон бир воситаким, анинг хизматидан биз ҳаётимизни ислоҳ этмоққа фойдаланмоғимиз фойдадан ҳоли бўлмас” деб ёзган эди Абдулла Авлоний [2]. Шунинг учун ҳам 1914 йилда “Турон” театр труппаси, 1916 йилда Қўқонда Ҳамза томонидан асос солинган мусулмон ёшлари мусиқали драмма труппаси театрлар юртимизда театр санъатининг шаклланишида муҳим ўрин тутган труппалар саналади[3].

Бухорода биринчи театрни ташкил этилиши эса Маннон Уйғур номи билан боғлиқ. Маннон Уйғур дастлаб ҳаваскор драма тўгарагини ташкил

этди, шундан сўнг 1921 йилда ушбу тўгарак труппага айланди. 1923 йилда эса Бухоро маориф институти базасида “Билим труппаси тузилди ва ушбу труппа 1930 йилга қадар фаолият юритди [4]. Қолаверса биринчи ўзбек профессионал театри ҳам Бухорода вужудга келган бўлиб, ушбу театрга 1930 йилда Россиянинг Евгений Вахтангов номли театри ҳузурида ўқиб келган ёшлар асос солишди. Ушбу мақолада биз томонимиздан Бухоро театрига эътибор қаратадиганимиз бежиз эмас. Чунки, Сурхондарё округи узок вақт Бухоро вилояти таркибида бўлиб, ўлкада юз берган шу даврдаги қўплаб ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий жараёнлар Бухоро билан боғлиқ тарзда юз берди.

## НАТИЖАЛАР

Совет хукумати ўзининг ижтимоий-иктисодий, маданий ва маърифий хукмронлигини шакллантиришда ғоявий таъсир масалаларига ҳам алоҳида ургу берди. Айнан аҳолини миллий қадриятлардан узоқлаштириш, тарихий меросдан бебаҳра қилиш, коммунистик мафкура тамойилларига хизмат қиласидан ижтимоий-сиёсий муҳитни юзага келтиришда клублар, қизил чойхоналар, труппалар ва бошқа шу каби маданий оқартув муассасаларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилди. Ушбу муассасаларда зўр бериб совет мафкураси тарғиб этилди. Совет турмуш тарзининг афзалликлари, синфий кураш, ғоялари тинимсиз тарғиб этиб борилди. Жумладан: Ўзбекистон хукуматининг 1925 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган II съездиде “Термиз шаҳрида ҳамда вилоятнинг туман ва қишлоқларида клублар, чойхоналар, аҳоли учун оммавий-сиёсий, маданий-оқартувни ташкил этиш” юзасидан қарор қабул қилинди [5].

Округ маданий ҳаётидаги ўзгаришлар аҳоли саводхонлигини ошириш, маданий савиясини кўтариш билан боғлиқ ҳолда кечди. Бироқ, маъмурий буйруқбозлик тизимиға асосланган советлар сиёсати маданий соҳада ҳам зиддиятли ҳолатларни юзага келтирди. Эълон қилинган ғоялар билан ҳақиқий воқелик ўртасида тафовутнинг юзага келиши кўп асрлик маънавий ҳаётнинг моҳиятини хотўғри тушуниш ҳоллари кун сайин орта борди. Аммо шунга қарамасдан маданий-маърифий муассасалар сони бир мунча орта борди. Жумладан, маданий оқартув муассасалари, клублар, қизил чойхоналар агитпунктлар, театрлар совет воқелигини тинмай тарғиб қила бошлади. Агар 1921 йилда Сурхондарё округида 5 та клуб, 4 та кутубхона, 4 та “қизил чойхона” ишлаб турган бўлса, 1928 йилга келиб округ миқёсида 14 та клуб, 18 та “Қизил чойхона” фаолият юритди[6]. Шунингдек, шу даврда Термизда касаба уюшмаси ва хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан 2 та клуб ташкил этиди[7].

1928 йилда Термиз шаҳрида “Синная блуз” номли драматик труппа ташкил этилди[8]. Аммо ушбу маданий-маърифий муассасаларнинг аксарият қисми округда истиқомат қилаётган европалик аҳоли учун мўлжалланган эди. Бу эса маҳаллий аҳолига нисбатан совет ҳукуматининг бир ёқлама улуғ давлатчилик руҳида муносабатда бўлганлигини кўрсатади. Қолаверса, амалга оширилатган маданий тадбирлар ниҳоят даражада сиёсийлаштириб юборилган эди. Шунингдек, Термиз шаҳри чегара ҳудудида бўлганлиги боис бу ерга ҳамма ҳам кира олмас, оддий фуқаролар зарур ҳолларда маълум хужжат яъни ҳарбий комендантуранинг рухсати билан кириб чиқарди. Бундай шароитда округ марказида ташкил этилаётган маданий тадбирларда маҳаллий аҳолининг иштирок этиши қийин эди. Кўпгина маданий-оқартув муассасалари томонидан Термиз шаҳрида ташкил этилаётган маданий тадбирлар асосан рус тилида олиб борилар маҳаллий аҳоли эса бу тадбирларнинг моҳиятини тушуниши учун ҳали рус тилини билмас эди. Бу ҳам совет давлатининг бир томонлами маданий-оқартув ишлари олиб борганлигининг исботи эди. Шунга қарамасдан маданий тадбирлар округда тўхтаб қолмади. 1933 йил Термиз шаҳрининг биқинидаги Жарқўрғон туманида вилоят миқёсидаги дастлабки, колхоз-совхоз театри ташкил этилди. Жарқўрғондаги ушбу театрни ташкил этишда Қори Мадаминовнинг хизмати катта бўлди[9]. Қори Мадаминов округнинг кўплаб қишлоқ ва овулларини кезиб, санъатга иштиёқманд ҳаваскорларни излаб топди. Ушбу труппа дастлаб ҳалқ орасидаги чиқишларда ашула ва рақслар ижроси билан иштирок этиб келди.

Бир неча уринишлардан кейин кичик-кичик саҳна эпизодлари, кўринишлар саҳналаштирила борди. Бироқ, театр жамоаси асосан ҳаваскорлардан тузилган бўлиб, профессионализмдан анча узоқ эди, шунингдек саҳна безаклари, деклоратсиялар ҳам анча содда кўринида эди. Шунга қарамасдан тинимсиз изланишлар асосида F.Зафарийнинг “Ҳалима”, К.Яшиннинг “Тор-мор” асарларидан кичик кўринишлар ҳам саҳналаштирилди. Ушбу саҳна кўринишларини саҳналаштиришда режиссёр Салоҳийнинг хизматлари катта бўлди. Ушбу театрнинг дастлабки ҳаваскор актёрлари Ҳофиз Йўлдошев, Сурмахон Йўлдошева, Нурмат Азизов, Олия Олимова, Одина Қодировалар катта-кичик ролларни ижро эта бошладилар. Натижада 1934 йилда Жарқўрғон театр жамоаси Ғулом Зафарийнинг “Ҳалима” пеъсасини илк бор катта саҳнада ҳалқ орасида намойиш қилди[10]. 1935 йилнинг сентябр ойида Ўзбекистон ССР Минстрлар Совети “Сурхондарё округ театрни ташкил этиш” тўғрисида қарор” қабул қилди. Ушбу театрнинг шаклланишида Жарқўрғон театриинг ҳаваскор актёрлари билан бир қаторда Қаюм Тўлаганов, Хуршид Азимов, Мухаммад

Шермуҳаммедов, Омина Фаёзова, Кифоят Муслимова, Манзура Ҳамидова каби қатор актёрларнинг ҳам хизмати бекиёс даражада улуғ бўлди. 1935 йил 5 ноябрида Афандихон Исмоиловнинг “Ғолибият” асари илк бор саҳналаштирилиб, театр жамоаси томонидан кенг ҳалқ оммасига намойиш этилди. Шу даврда театрга Раҳимберди Бободонов директор, Афандихон Исмоилов эса бош режиссёр этиб тайинланди[11]. Театр жамоасининг олиб борган тинимсиз меҳнати ва изланишлари асосида театрнинг моддий-техник таъминоти ҳам бир қадар мустаҳкамланиб, саҳна профессионализми анча юксала борди. Театр жамоаси ҳар ҳафтада бир марта округ меҳнаткашлари орасига сафар уюштириб, ўз саҳна асарларини намойиш қила бошлади.

Шу даврда: У.Исмоиловнинг “Рустам”, К.Яшиннинг “Гулсара”, З. Фатхуллиннинг “Ғунчалар”, Ӯ.Хожибековнинг “Аршин-мололан”, Н.Сафарнинг “Үйгониш”, Ҳуршиднинг “Лайли ва Мажнун”, Ҳамзанинг “Майсаранинг иши” каби пеъсалари саҳналаштирилди. Театрда мусиқали драмаларни саҳналаштиришда маълум қийинчиликлар ҳам юзага келди. Чунки, бу пайтда театрда созандалар гурухи тўла шакланиб улгурмаган эди. Шу боисдан ҳам театр режиссёри Афандихон Исмоилов театр қошида кичик бўлса-да миллий чолғу ансамблини тузишга киришди. Шу асосда мусиқали драмаларни саҳнага олиб чиқиши имконияти ҳам юзага келди. Ғ.Зафарийнинг “Ҳалима” пеъсасини саҳналаштириш мобайнида “Наво”, “Чоргоҳ”, “Қўчабоғи” ашулалари, “Баҳор бўлди”, “Сайра булбул” каби қўшиқлардан унумли фойдаланилди[12].

## МУНОЗАРА

Бироқ партиянинг барча соҳалар каби театр санъатига ҳам тазиики кучайиб борди унинг сиёсийлаштиришига эътибор қаратилди. Партия қўйган талабга кўра “ҳар бир актёр театр соҳасида маълум назарий ва амалий билимларга эга бўлиши керак. Бундан ташқари театрда қўйилаётган у ёки бу пьесанинг сиёсий ва ижтимоий моҳиятини тушуниш учун у сиёсий томондан ҳам маълумотли бўлиши керак” эди [13]. Натижада театрлар таркибида бадиий-сиёсий кенгашлар ташкил этилиб уларнинг таркибига санъаткорлардан ташқари йирик саноат корхоналарининг ишчи ва хизматчилари ҳам киритилди. Бу кенгашлар театрларнинг репертуарларини қайтадан кўриб чиқиб, ғоявий жиҳатдан талабга жавоб бермаганларни олиб ташлади. Театр санъатида, асосан синфий кураш, байналминалликни тасвиrlаш асосий вазифа қилиб белгиланди.

Бундай ғоявий қўрсатма Сурхондарё округ театри ижодий ҳаётида ҳам ўз ифодасини топди. Шу боисдан ҳам XX асрнинг 30 йилларида театр репертуарида синфий курашни ифодалайдиган, совет турмуш тарзини тарғиб қиласиган асарлар кенг ўрин ола бошлади. Жумладан: К.Яшиннинг

“Икки коммунист”, “Гулсара”, “Номус ва муҳаббат”, Н.П.Чекулаев ва А.Исмоиловнинг “Адолат” (1938), “Тоғ қизи” (1939), “Ватан” (1938) каби саҳна асарлари ана шундай ғояларни тарғиб қилувчи асарлар сарасига киради.

Совет ҳукумати ва коммунистик мафкуранинг тазийқига қарамасдан вилоят театр жамоаси мишлий руҳдаги пъесаларни саҳналаштириш борасида ҳам сезиларли ишларни амалга оширилди. Масалан: 1938 йилда Хуршиднинг “Фарход ва Ширин” пъесаси, 1940 йилда эса Ҳамзанинг “Майсаранинг иши” пъесаси саҳналаштирилиб, томошобинлар эҳтиромига сазовор бўлинди. 1939 йил театр жамоаси сафига Тошкент театр техникумини тутатиб келган Ф.Мирзаев, А.Хўжаев, Т.Зокиров, К.Асқаров, Ж.Сайдалиев, С.Икромов, Ҳ.Бобохонова, Ҳ.Муҳиддинов, Т.Латипова, С.Йўлдошевалар келиб қўшилди. Умуман олганда XX асрнинг 30-йилларида театрнинг ўз ижод йўлини белгилаб олишида О.Рихсиев, Ҳ.Тўлаганов, Ҳ.Бобохонова, Т.Латипова, З.Олимов каби санъаткорларнинг хизматлари катта бўлди. Хуллас ўтган асрнинг 30-йилларида Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрининг шаклланиши ва ижодий юксалиш даври сифатида тарихга кирди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Махмудхўжа Беҳбудий тўла асарлар тўплами. – Тошкент: “Чўлпон”, 1999. – Б 123.
2. Абдулла Авлоний тўла асарлар тўплами. – Тошкент: “Чўлпон”, 2000. – Б 86-87.
3. Театр санъати солномаси. – Тошкент: “Мерос”, 1998. – Б 5.
4. Раҳмонов Н, Умаралиев А. Совет Ўзбекистони маданияти тарихи очерклари. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1984. – Б 215.
5. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1925 йил 13 декабрь
6. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 454-фонд, 1-ёзув 126-иш, 88-92 вараклар
7. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-ёзув 36-иш, 17-варак
8. Турсунов С., Қобилов Э, Муртозоев Б, Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. – Тошкент: “Шарқ”, 2004. – Б 317.
9. Абдувоҳидов Ф. Сурхондарё вилояти мусиқали драма театри кечава бугун. – Тошкент: “Voris-nashriyoti MCHJ”, 2017. – Б 9.
10. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 313-фонд, 1-ёзув 12-иш, 6-варак
11. Абдувоҳидов Ф. Сурхондарё вилояти мусиқали драма театри кечава бугун. – Тошкент: “Voris-nashriyoti MCHJ”, 2017. – Б 11.
12. А.Исмоилов билан сұхбат. Театрнинг хотира дафтаридан. Р.Жабборов. 1978 йил 14 ноябрь

13. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1929 йил 29 ноябрь